


(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

сари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Қуйидагилар:

Жамғарманинг Ҳомийлик кенгаши ва Жамғарманинг минтақавий филиаллари ҳомийлик кенгашлари, уларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақлаб қолинсин, болалар спортини янада ривожлантириш чора-тадбирларини давлат сиёсати даражасида амалга ошириш, ушбу мақсадга эришиш учун давлат тузилмалари билан бир қаторда хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш унинг асосий мақсади этиб белгилансин;

болалар спортини ривожлантириш ишида илгари Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси, "Маҳалла" жамғармасига ва бошқа тузилмаларга юкланган вазифалар ва ваколатлар сақланиб қолсин.

5. Белгилансинки:

Жамғарманинг шаҳарлар ва туманлардаги минтақавий филиаллари вакиллари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади ва ўз фаолиятида туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига ҳисобот беради;

болалар спорт иншоотларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш дастурлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг қабул қилинган қарорлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш Жамғарма минтақавий филиаллари вакилларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишининг муҳим таркибий қисми сифатида Болалар спортини ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирилган ишлар дастурини ишлаб чиқсин.

Болалар спортини ривожлантириш дастури ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ўзаро боғлиқлиги бўйича ишларни мувофиқлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилиши мониторинги бошқармасининг болалар спортини ривожлантириш бўлимига юклансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобига янгидан қуриш ва реконструкция қилиш йўли билан тикланаётган болалар спорти объектлари фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимият ва бошқарув органлари балансига бериладн;

Жамғарма маблағлари ҳисобига қурилиши тугалланган ва реконструкция қилинган болалар спорти объектларини қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори билан тасдиқланган Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

болалар спорти иншоотларининг самарали фаолият кўрсатиши, улар қувватларидан энг тўлиқ фойдаланилишини таъминлаш, самарали фаолиятни ташкил этиш ва спорт секцияларини методик таъминлаш, уларни малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш учун масъулият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига юкланади.

8. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар болалар спорти иншоотларини намунавий лойиҳалар қўлланилмасдан ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ бўлмаган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш қатъиян тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси:

болалар спорти объектлари қуриш ва уларни реконструкция қилишга танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши ва пухта ташкил этилишини таъминласин;

болалар спорти иншоотлари қуриш ва уларни реконструкция қилиш ишларини бажаришда намунавий лойиҳалар ва тасдиқланган қурилиш қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда қурилаётган ва реконструкция қилинаётган болалар спорти иншоотлари хавфсизлиги ҳамда кейинчалик улардан фойдаланиш жараёнида хавфсизлик талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин;

маҳаллий ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига янгидан қурилаётган объектлар ва реконструкция қилинаётган болалар спорти объектлари устидан техник назорат қилиш амалиётини жорий этсин.

9. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 3-6-иловалар (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига 1 ва 2- иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 август.

## Бизни қутлашади

**ЧЖАН ДЭГУАН, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ижроия котиби:**

*— ШҲТ ташкилоти номидан Ўзбекистон халқини миллий байрами билан қизғин ва самимий табриклаш менга мамнуният бахш этади. Биз ёш республикани тарихан шу қадар қисқа муддатда улкан ютуқларга эришганидан чин юракдан қувонамиз. Ўзбекистон аҳолисининг сони жиҳатидан минтақада энг йирик давлат, ҳар доим давр воқелиги ва мамлакат аҳолисининг туб манфаатига мос келувчи тинчлик, барқарорлик, ривожланиш тимсолини излашга интилади.*

*Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Президент Ислом Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. Ўзбекистон Республикаси раҳбари ШҲТ минтақавий хавфсизликни таъминлаш, кўптомонлама иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Биз ШҲТ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишида ўзбек томонининг фаол ҳаракатини, ташаббуслари ва интилишини самимий маъқуллаймиз ва келажакда самарали ҳамкорлик қилишга умид билдирамиз.*

**КЁКО НАКАЯМА — Япония Вазирлар Маҳкамасининг махсус маслаҳатчиси, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:**

*— Ўзбекистон — минтақанинг энг барқарор мамлакатларидан биридир. Лекин республикада олиб борилаётган сиёсат халқаро террорчиларда кўролмаслик ҳиссини уйғотмоқда. Шуни эътиборга олиб, ўйлайманки, Япония ва Ўзбекистон ушбу салбий иллатга қарши биргаликда курашишлари лозим. Мен Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшишга ҳар доим тайёрман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини ва мамлакатингиздаги дўстларимни Мустақиллик куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.*

*Ишонаманки, Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлигида Ўзбекистон келгусида улкан муваффақиятларга эришади. Дўст Ўзбекистон халқига байрамона кайфият, мустаҳкам саломатлик ва бахт-саодат тилайман.*

**"Жаҳон" АА.**



# Ёш шахматчиларга катта ғамхўрлик

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга кўрсатилаётган эътибор боис спортчиларимиз ўз иқтидорларини дунё узра намойиш этмоқдалар. Ўзбекистон ёшларининг ақлзаковати, интеллектуал салоҳияти, қобилияти ва истеъдодига бугун бутун дунё тан бермоқда.

Қувонарли томони шундаки, чемпионимизнинг муносиб издошлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Мисол учун шу йил Германияда заиф эшитувчи ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Сирожиддин Зайниддинов ҳамда жаҳон шахмат олимпиадаси совриндори (2004 йил, Ҳиндистон) Тимур Гареев ана шундай спортчилар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳар икки шахматчимизни ҳам эришган улкан ғалабаси билан қутлаб, табрик йўллади. Жумладан, С. Зайниддиновга йўлланган табрикда шундай дейилади:

*"Ўғлим Сирожиддин!*

*Сени Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритганингни эшитиб, беҳад хурсанд бўлдим.*

*Агар одам ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлда қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан енгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, кўзлаган марраларига албатта етади. Сен эришган бу юксак ғалаба мана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлаб турибди.*

*Сени тарбиялаб вояга етказган ота-онангга, истеъдодингни руёбга чиқаришда беминнат хизмат қилган устоз-мураббийларингга миннатдорлик билдираман.*

*Сенга ҳаётда ва спортда бахт ва омадлар тилайман".*

Ёш гроссмейтер Тимур Гареевга йўлланган мактубда шундай дейилади:

*"Сенинг Осиё ва бутун дунёда энг ёш ва истеъдодли гроссмейстер бўлиб етишишинг барчага, айниқса, ўзбек заминида яшовчи ҳар бир кишига, биринчи навбатда, сенинг тенгдошларингда мағрурлик, ҳурмат, сендек бўлишга интилиш, ўзини кўрсатишга бўлган ҳаракат ва жаҳон миқёсида юқори натижаларга эришишдек туйғуларини уйғотади..."*

Куни кеча пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида шу муносабат билан тадбир бўлиб ўтди. Бу ерга Сирожиддин Зайниддинов ҳамда Тимур Гареевнинг яқинлари, дўстлари ва шахмат мухлислари ташриф буюрди. Юртбошимизнинг уларга аталган мактубини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Шунингдек, тантанали маросимда ҳар иккала ёш шахматчига давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совға — компьютер топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари бундан бир неча йил муқаддам Рустам Қосимжоновга ҳам ана шундай компьютер тақдим қилган эдилар. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган Рустам ўша пайти шахмат тожини Ўзбекистонга олиб келишга ваъда берган эди. Унинг ўз ваъдаси устидан чиққанига эса бугун бутун дунё гувоҳ.

Умид қиламизки, бир кун келиб Президентимизнинг назарига тушган Сирожиддин ва Тимур ҳам ана шундай муваффақиятга эришадилар.

**М. ЖОНИХОНОВ.**
**М. АМИН (ЎзА) олган сурат.**

*Ислоҳот марралари*

# БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

***Ўзбекистон бугун яна қизғин шодиёналар оғушида. Ял-ял безаниб, чирой очган қишлоқлар ва шаҳарларимизда бугун яна ўзгача руҳ ҳукмрон. Халқимиз буюк миллий байрам — Ватанимиз мустақиллигининг шарафли 13 йиллигини чексиз қалб қувончлари билан нишонламоқда.***

Ва бу бежизга эмас. Бундан 13 йил муқаддам заминимиз бошида Истиқлол қуёши балқиб, мустабидлик исканжаларида яшаб келган Ўзбекистон аҳлини тараққиётнинг порлоқ йўлларига олиб чиқди. Руҳиятимизни ёриштириб юборди. Қалбимизга эса она Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига олиб чиқишдек эзгу орзуни бағишлади.

Миллий ўзликни англаш, тарихимиз ва маънавиятимизни тиклаш, жамиятни демократик янгилаш, мамлакатимизнинг бебаҳо иқтисодий салоҳиятини қайта уйғотиш ва равнақ топтириш, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишда содир бўлган тарихий ўзгаришлар — буларнинг барча-барчаси Мустақиллик туфайлидир. Шу боисдан биз Истиқлолга эришган кунимизни ҳар йили ҳаётимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам сифатида нишонлаймиз.

Яна биз Мустақиллик кунини «Бош байрам» деб ҳам биламиз. Бунинг сабаби шуки, Ватанимизда нишонланаётган жамики бошқа байрамлар – Наврўз айёми ҳам, Рамазони шариф ва Қурбон ҳайитлари ҳам, Хотира ва Қадрлаш куни ҳам, юртимизнинг янги Конституцияси билан боғлиқ тантанаҳаримиз ҳам мана шу Бош байрамимиз — Мустақиллик туфайли ҳаётимизда қарор топди ва улар тақдиримиздаги энг нашъу намоли кунлар бўлиб қолди.

Ўзбекистон ўз Мустақиллиги туфайли ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўлини топди. Мустақиллигимиз меъмори, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов бу йўлнинг асосларини белгилаб берди ва бутун элимизни шу табаррук йўлдан дадил олдинга бошлаб боряпти. Бугун бу йўлда биз эришган улуғвор ва туб ўзгаришларга бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлагимиз келадики, истиқлолимизнинг ўтган йилларида Инсон ва унинг манфаатлари, бахт-саодати, қадр-қиммати, турмушининг фаровонлиги — давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1997 йилдан бошлаб шу мақсадга қаратилган махсус давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Ён атрофимиздаги, бизга ўхшаш эркин ривожланиш йўлига кирган давлатлардан қайси бири ўз фуқароларининг шахсий манфаатларини бу қадар юксак қадрият деб атаяпти? Гоҳида қиёслар катта ҳақиқатларни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда, айниқса, ёшлар камолотига беҳад улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридай улуғвор стратегик ҳужжат қабул қилинди. Шу ҳужжат асосида бошланган таълим ислоҳоти ажойиб самаралар беряпти. Бизда етишаётган кадрларнинг малакаси, билими, салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Рустам Қосимжонов жаҳонда шахмат тождори бўлганлиги — бугунги ўзбек ёшлари нималарга қодирлигига ёрқин далолатдир. Ёки яна битта янги далил. Яқинда Афинада якунланган жаҳон ўқувчиларининг фан олимпиадаларида 6 нафар ўзбекистонлик ўқувчи қатнашиб, 4 таси бронза медали ва фахрли дипломларга сазовор бўлди. Дунёдаги 85 та давлатдан 500 нафар энг иқтидорли ўқувчи иштирок этган бу йирик форумда 4 нафар ўқувчимизнинг юксак мукофотларга сазовор бўлиши кишини фахрлантиради.

Мамлакатимизда таълим ислоҳотлари шитоб билан давом эттирилаяпти. Мустақиллигимизнинг 13 йиллигида бу борада яна бир улкан қадам қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу йил Мактабларни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинди ва унда белгиланган ғоятда йирик вазифаларни амалга ошириш учун астрономик даражадаги катта маблағ – бир триллион сўм ажратилмоқда. Мактаб таълимига бундай катта сарф-харажат ҳозирги кунда ҳеч бир мамлакатда кўзга ташланмайди. Шундай қилиб, яқин йилларда Ўзбекистон мактаблари сўзсиз жаҳондаги энг илғор даражаларга эришади.

Мамлакатимиз барқарор ривожланиш палласига кирмоқда. Иқтисодиётимиз алп одимлар билан равнақ топди ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу ўринда кичик бир далил. Мустақиллигимизнинг 13 йиллигида юртимиз енгил саноати тизимида 17 та янги қўшма корхона ишга туширилади. Бу қай жиҳатдан муҳим? Шу жиҳатданки, мазкур корхоналар Ўзбекистон иқтисодиётининг экспорт салоҳиятини бундан-да оширади. Улар мамлакатимизнинг яккаш хомашё ўлкасидан ўз маҳсулотларини жаҳон андозаларида қайта ишлайдиган юксак саноат диёрига айланиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, 1996 йилда Ўзбекистонда пахта толасининг атиги 13 фоизи қайта ишланган бўлса, бугун мана шундай корхоналар кўмагида 29 фоиз пахта толаси қайта ишланмоқда. Вақти келиб, бу ўсиш 52 фоизга етади.

Мамлакатда йўлсозлик ҳам кенг қулоч ёйиб ривож топяпти. Энг замонавий темир йўллар, кенг, равон бетон-асфальт магистраллар дунёга келяпти. Бу соҳада ҳам Ўзбекистоннинг бугунги қудрати яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, биргина Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлга 110 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ҳолбуки, бундан атиги 13 йил бурун биз бундай қудратга ва орзу-ҳавасларга эга эмасдик. Миллиардлаб маблағни қўйинг, арзимаган сармояни олиш учун собиқ марказнинг маҳкамаларига тиланиб боришга тўғри келарди.

Мустақиллик, шу тариқа, бизни мутеликдангина қутқармади, балки Ўзбекистонни қудратли ва бой-бадавлат бир мамлакатга айлантирди.

Тўғри, тараққиётимиз осон кечмаяпти, муаммолар ҳам етарли. Аммо улар ҳал этилади. Чунки бизнинг ўз танлаган йўлимизга ишончимиз баланд, фидойилигимиз ҳам етарли. Ўзбекистон мустақиллиги бизга чексиз имкониятлар яратаверади. Шу имконият бор экан, мўъжизаларга ҳали кўп гувоҳ бўламиз.

Фақат бу йўлда биз мустаҳкам эътиқодли бўлишимиз, бизни қайтадан ўрта асрчиликка, жаҳолат ва инқирозга қайтармоқчи бўлаётган кучларга, турли хил террорчилар, экстремист бузғунчиларга қарши ҳушёр туришимиз, уларни ўз вақтида даф этишга шай бўлмоғимиз зарур.

Мустақиллик халқимизнинг орзу-армони эди. Не-не аждодларимиз унинг учун жонини тиккан, шу кунлар келиши учун курашган. Уларнинг табаррук руҳи бошимизда чарх уриб кезиб юрибди. Биз уларнинг армонларини амалга оширишга, ўзимиздан келгуси авлодларга ибратли ва хайрли ишларни қолдиришга жазм қилганмиз. Президентимиз айтганларидай, «Энди бу йўлда ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилмоғимиз, бир ёқадан бош чиқариб, умумий хонадонимиз — Ўзбекистон келажаги учун курашмоғимиз лозим».

## Асрга татигулик йиллар

### 1993

Тетапоя қадамлар залворли одимларга айлана бошлади. Ёш давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқаларини кучайтиришга, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга астойдил киришди. Январда Ўрта Осиё давлатлари раҳбарлари Тошкентда тўпланишди. Бир ой ўтмаёқ Президентимизнинг Давос умумдунё иқтисодий анжуманида сўзлаган нутқи жаҳон жамоатчилигининг эътиборини Ўзбекистонга қаратди. Туркия, Германия, Буюк Британия каби мамлакатлар билан тўла ҳамкорликка эришилди. Ислом Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиши ва нутқ сўзлаши жаҳон ҳамжамияти орасида мамлакатимиз обрўсини яна бир карра юксалтирди. Тошкентнинг қоқ марказида соҳибқирон бобомиз Амур Темурга ҳайкал ўрнатилди.

### 1994

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиши учун халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, тарихий ва миллий ўзлигига асосланиб ҳамда машаққатли йўлни босиб ўтган мамлакатларнинг тажрибасига таяниб, Юртбошимиз тараққиётимизнинг ўзимизга хос ва мос йўлини — беш тамойилини ишлаб чиқди.

Бугунги кунда бу йўлнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ана шундай тадбиркорлик натижаси ўлароқ, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида фармон ва қарорлар эълон қилинди, мамлакатимиз ҳудудларида газ ва нефть саноатига доир янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди, миллий пулимиз муомалага киритилди.

Дунё давлатлари делегациялари ҳамкорлик йўлида Ўзбекистонга кела бошладилар.

### 1995

Юртбошимиз ўтган даврни якунлаб, шундай деган эдилар: «Ўтган тўрт йил биз учун асрга тенг бўлди, деб айтсак, асло муболаға бўлмайди. Шу тўрт йил мобайнида миллий давлатчилигимизни тикладик, дунёга озод ва эркин миллат сифатида танилдик».

1 январдан бошлаб, ана шу озод ва эркин миллатнинг, аниқроғи Ўзбекистон фуқароларининг ўз паспорти амалга киритилди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижаси — «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга тушди. Иқтисодий ислоҳотларда туб бурилиш ясалган бу йилда ижтимоий ва маънавий масалаларда ҳам дадил одимлар қўйилди. Болали оилаларга давлатимиз ижтимоий ёрдами кучайтирилди, «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловини ўтказишга келишилди. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) қабул қилинди.

### 1996

Бу йил Юртбошимиз томонидан «Амир Темур йили» деб эълон қилинди.

Озодлигимизнинг дастлабки йилларидаги саъй-ҳаракатлар мева бера бошлади. Ўзбекистондаги ҳар томонлама тараққиётни кўрган хорижий сармоядорлар ҳамкорлик қилиш учун Ўзбекистонга кела бошладилар. Олтин қазиб чиқариш, нефть, газ ва пахтани қайта ишлаш, транспорт тармоғини кенгайтириш, банк тизимини ривожлантириш каби қатор таклифлар ўртага ташланди. Давосда таъкидланганидек, «Ўзбекистон — тараққиёт қутби» деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистонда автомобилсозликка асос солинди — «ЎзДЭУавто» иш бошлади. Хуллас, бозор муносабатларига ўтишнинг «Ўзбек модели» яратилди.



# Олимпиадачиларимизнинг олтин совғаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

медални юнон-рум кураши бўйича Александр Доктурашивили келтирган бўлса, иккинчи олтин медал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси, эркин курашчимиз Артур Таймазовга насиб этди. 25 ёшли Артурнинг орзуси ушалди. У манаман деган полвонлар устидан ғалаба қозониб, финалда эронлик Али Ризо Ризоийнинг курагини ерга теккизди. Шу йўналишдаги яна бир вакилимиз Магамед Ибрагимов эса финалда Россия вакили билан беллашиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Кеча XXVIII ёзги Олимпиада баҳсларида қатнашган спортчиларимиз Тошкентга қайтиб келишди. Уларни кутиб олиш учун пойтахт халқаро аэропортига спорт мухлислари, спортчиларнинг яқинлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар. Йиғилганлар олис Афинада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган, байроғимиз кўтарилиб, давлат мадҳиямиз янграшига сабаб бўлган полвонларимизни фахру ифтихор билан кутиб олдилар.

— Мен жуда кўп халқаро мусобақаларда иштирок этганман, — деди Афина Олимпиадаси ғолиби Артур ТАЙМАЗОВ. — Аммо ҳеч қачон бу галгидек ҳаяжонланганим, қувонганим йўқ. Чунки Сидней Олимпиадасида финалгача бориб, иккинчи ўринга тушиб қолганимдан бери, гапнинг тўғриси, уйқумда ҳам ҳаловат йўқ эди. Қолаверса, Афинага келишдан олдин Президентимиз мактуб йўллаб, биз, спортчиларга катта ишонч билдиришлари менга катта масъулият бағишлади. Яратганга шукур, ниятимга етдим. Ёруғ юз билан юртга қайтиб келдим. Бу ғалабамни Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллигига бағишлайман.

Олимпиадачиларимизни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқди.

**Мақсуд МИРЗО,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



**СУРАТЛАРДА: спортчиларимизни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла раҳбарлигидаги делегация аъзолари 29 август куни мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида бўлди.***

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаролар уруши туфайли барча соҳаларда инфратузилма бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат халқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбекистон кўмаги билан тикланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси раиси Рустам Юнусов билан учрашувда икки мамлакат ўртасида транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, биргаликда қурилиши режалаштирилаётган Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлининг лойиҳасига доир масалалар муҳокама этилди.

Таъкидлаб ўтиш керак, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида транспорт ва коммуникация соҳасидаги алоқалар айниқса тез ривожланмоқда. Трансафғон йўлагининг барпо этилиши нафақат мамлакатларимиз, балки минтақадаги бошқа давлатларнинг савдо-иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш, уларнинг халқаро денгиз йўлларига чиқишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон томони трансафғон йўлаги борасида музокаралар бошланишидан анча олдин Афғонистондаги коммуникация тармоқларини тиклашда бу мамлакатга ёрдам беришни бошлаб юборган эди. 2003 йилда ўзбекистонлик мутахассислар Афғонистон ҳудудида ўнта кўприкни қуриб, фойдаланишга топширди. Автомобиль йўллари ва кўприкларнинг бунёд этилиши ушбу мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга эканини ҳисобга олсак, Ўзбекистоннинг ёрдами Афғонистон учун қанчалик муҳим эканини англаш қийин эмас. Хусусан, сўнгги йилларда Термиз — Ҳайратон кўприги орқали 2,5 миллион тоннадан ортиқ инсонпарварлик юки Афғонистонга етказиб берилди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосарлари — иқтисодиёт вазири Рустам Азимов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашиб, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, бу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Афғонистонда "Толибон" ҳукмронлигига барҳам берилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўтган давр мобайнида мамлакатда иқтисодиётни тиклаш, аҳолини иш билан таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини оёққа турғизиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Узоқ вақт давом этган фуқаролик уруши оқибатларига барҳам бериш жараёни осон кечаётгани йўқ. Бунда Афғонистон халқаро ҳамжамият, хусусан, Ўзбекистоннинг кўмагига таянмоқда.

Мулоқот чоғида Афғонистондаги вазият, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Афғонистон ҳукуматлари ўртасида транзит ва транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Афғонистон ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ва икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

* * *

30 август куни "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясида Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилиши лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати делегацияси, АҚШнинг Central Asian Partners компанияси вакиллари ва мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси раиси Рустам Юнусов лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида сўзлаб, йиғилганларни мамлакатимизнинг темир йўл транспорти инфратузилмаси билан таништирди.

Таъкидламоқ жоизки, "Ўзавтойўл" компанияси вакиллари шароит мураккаблигига қарамай, Афғонистон ҳудудида Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилиши учун зарур геологик ва геодезик тадқиқотларни ўтказишга муваффақ бўлди. 2004 йилда ўзбек мутахассислари АҚШ компаниялари билан ҳамкорликда ушбу транспорт тармоғи лойиҳаси учун дастлабки техникавий-иқтисодий ҳужжатларни тайёрлади.

Central Asian Partners компанияси раҳбари Лоуренс Курландер АҚШ ҳукумати Афғонистонга темир йўл қурилишини молиялаштириш учун 140 миллион доллар миқдорида беғараз ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқаётганини маълум қилди. "Ўзавтойўл" компаниясининг лойиҳани яратишдаги хизматларини юқори баҳолади.

Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли Ўзбекистон, АҚШ ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ўзига хос восита бўлиб қолишига ишонч билдирди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**




Дилдаги гап тилга кўчганда

## Маҳаллада юрт қиёфаси

*Бугунги кунда маҳаллалар фаолиятига ҳар қачонгидан-да катта эътибор берилаяпти. Буни ўзини ўзи бошқариш тизимининг ноёб шаклига айланган маҳаллалардаги ўзгаришлар, уларда олиб борилаётган ободончилик ишлари ва аҳолининг ҳамжиҳатлигидан ҳам англаш мумкин.*

*Буларнинг барчаси Истиқлол туфайли, албатта. Маҳаллаларда, айниқса, биз каби кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик кишини қувонтиради. Мана, гапимнинг тасдиғи: яқинда бир гуруҳ қариялар билан Самарқанду Бухорони зиёрат қилдик.*

*Бундай тадбирлар бизда кўп уюштирилади. Уларнинг ҳаммасига маҳалла фаоллари бош-қош бўлишади. Бу ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи тобора юксалаётганидан далолат беради.*

**Эркин АСОМОВ.**
**Қибрай тумани.**

## Хўжалик бойиса, халқ бойийди

*Энг азиз байрамимиз арафасида Истиқлол йилларида қилинган ишларни сарҳисоб этсак, уларнинг кўлами кенглиги яққол сезилади. Айниқса, кейинги вақтларда фермер хўжаликларини ташкил этишга ва хусусийлаштиришга жиддий эътибор берилаётгани айни муддао бўлаяпти.*

*Биз ҳам "Чашма" фермер хўжалиги ташкил қилганмиз. 28 гектар ерда турли маҳсулотлар етиштирамиз. Режани доимо уддалаб келаяпмиз.*

*Албатта, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ҳал қилиш эса ўзимизга боғлиқ. Муҳими, мустақиллик берган имконият туфайли ерлар хусусийлаштирилаяпти, хўжалик бойияпти, халқ бойияпти. Демак, мамлакат тараққий этаяпти.*

*Нарвоннинг пастки поғоналари бақувват-мустаҳкам бўлса, юқорига чиқиш осон бўлиши тайин.*

**Норбобо ҲАҚНАЗАРОВ.**
**Яккобоғ тумани.**

## «Мен нечун севаман Ўзбекистонни»

*Павел Силин мамлакатимизнинг турли манзилларида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар, топилмалар ҳақидаги янги, қизиқарли мақолалар ва хабарлари билан газета таҳририятларида тез-тез пайдо бўлиб туради.*

*У асли ленинградлик. Бироқ Тошкентда таҳсил олган. Шу ерда олий маълумотли бўлган. Буюк қадимшунослар Е.Массон ва Г.Пугаченковаларнинг севимли, иқтидорли шогирди сифатида жуда кўп археологик қазилма ишларида қатнашган. Кўп вақтини илмий-тадқиқот экспедицияларида ўтказган. Шунданми, бугунги ўзбек археологлари олиб бораётган изланишлар, турли осори-атиқалар ҳақида ёзиб, уларни халққа етказишдан сира-сира чарчамайди. Экспедицияларда ўз кўзи билан кўрган топилмалар тўғрисида ёзиш унга завқ бағишлайди.*

*— Гуллаб-яшнаётган Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, жаннатмакон диёр. Уни қанча таърифласак оз, — дейди Павел Силин. — Лекин унинг ер қаърида ҳали ўрганилмаган бойликлар жуда кўп. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар қадрланаётган бу юрт мен учун жуда қадрли. У менинг она-Ватанимдир!*

**Камола МИРЗААҲМЕДОВА.**

## Савоб кунда керак

**Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги байрамига хос бир ўзгачалик шундаки, бу бетакрор эзгу шароитда — Меҳр ва мурувват йили муҳитида нишонланмоқда. Табаррук йил нафаси улуғ миллий байрамимиз шодиёналарига алоҳида бир самимий руҳ, инсоний файзу тароват бахш этмоқда.**



**Газета мухбири сифатида пойтахтимизнинг Сирғали туманида шу кунларда ўтказилаётган гўзал байрам тадбирларида иштирок этарканман, бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдим.**

# Болалар нигоҳида байрам

Туманнинг «Бахт уйи» кошонасида «Меҳр кўрсат, мурувват қил» деб аталган байрам тадбири бўлиб ўтди. Сирғали тумани ҳокимлиги ташаббуси ва ташкилотчилигида уюштирилган ушбу байрам базмига шаҳарчадаги «Креди» ва «Апла» ногиронлар жамиятлари ҳузурида тарбияланаётган ногирон болалардан 200 нафари ҳамда туман ҳудудидан кам таъминланган оилалар фарзандларидан яна 200 нафари таклиф қилинди. Ноғора, карнай-сурнай садолари остида «Бахт уйи»нинг кенг, баҳаво меҳмонлар залига ташриф этган ижтимоий ҳимояга муҳтож болакайлар ноз-неъматлар билан тўкин безанган дастурхонлар ёнидан жой олдилар, уларга ширинлик ва бошқа хил байрам туҳфалари улашилди, ош тарқатилди. Эстрада санъаткори Тоҳир Содиқов бошчилигидаги «Болалар» ижодий гуруҳи ва 284-мактабнинг «Баҳор ғунчалари» ҳаваскорлик гуруҳи қатнашчилари ўзларининг дилбар, шўх-шодон куй-қўшиқлари билан байрам даврасига оро, файз киритдилар.

Давра тўлиб ўйин-кулги, шоду хуррамликка айланиб, ҳатто ногирон болалар рақсга тушиб кетдилар.

Ушбу байрам базмида эсда қоларли яна бир муҳим воқеа юз бериб, таклиф этилган ногирон болалардан ҳар бирининг номига 10 минг сўмдан пул қўйиб очилган шахсий омонат дафтарчалари уларга топширилди.

Байрам тадбирини ташкил этишда «Сирғалиавто» масъулияти чекланган акциядорлик жамияти, «Вест ланд женерал традинс» турдош корхонаси ҳомийлик хизматларини кўрсатдилар.

Куни кеча ушбу ҳомий ташкилотлар ҳиммати ҳамда Сирғали туман ҳокимлиги ташкилотчилигида яна бир байрам тадбири — ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларидан 184 нафарининг йирик суннат тўйи ўтказилди. Катта шодиёналар билан ўтказилган тўй охирида болаларга бош-оёқ сарупо ва бошқа совғалар ҳадя этилди...

Мустақиллик — ҳаммамизнинг ҳаётимиздаги олий неъматдир. Мустақиллик байрамининг нашидаси, сурури ҳам барча ўзбекистонликлар қалбига нур, руҳига қанот бағишлаши шубҳасиз. Сирғали туманидаги байрам тадбирларида иштирок этган ногирон, етим болалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари руҳидаги қувноқлик, нигоҳларидаги бахтиёрликни кўрган киши шу митти вужудлар, шу нигоҳларда ҳам бугун байрам ёлқинланиб турганлигини англайди.

**МУХЛИС.**

# Сайловлар — демократия кўзгуси

***Марказий сайлов комиссиясида ўтказилган парламент сайловларида сайлов комиссияларини ташкилий-техник воситалар билан таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишни комиссия раиси Б. Мустафоев бошқарди.***

Жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи сайловларнинг эркин ва осойишта ўтишида фақат фуқаролар фаоллиги зарур бўлиб қолмай, балки маҳаллий ташкилотлар, корхоналар зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Хусусан, бу талаб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида аниқ кўрсатилган. Унга мувофиқ, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига текин бериб туришлари шарт.

Йиғилишда сайлов жараёнида ошкораликни таъминлаш хусусида ҳам алоҳида сўз юритилди. Сайлов комиссиялари парламентнинг Қонунчилик палатасига сайловлар очиқлик ва ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайди. Марказий сайлов комиссияси Ҳаракатлар дастури доирасида ушбу комиссиянинг матбуот марказини ва Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияларида матбуот марказлари очиш мўлжалланмоқда. Сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш мақсадида барча сайлов участкалари бир хил намунадаги сайлов қутилари билан таъминланади. Мажлисда иштирокчиларга «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонасида тайёрланажак сайлов қутиларининг макетлари намойиш этилди.

Дарҳақиқат, сайлов кампанияси яқинлашгани сайин кенг жамоатчилик орасида унга қизиқиш ортиб бораяпти. Декабрь ойи охирида бўлиб ўтадиган парламент сайловларида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиши ҳам кутилмоқда. Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С. Хўжаеванинг айтишича, кузатувчиларнинг эркин иштирокини таъминлаш мақсадида комиссия томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, қатнашчиларга Марказий сайлов комиссиясининг йўриқнома ва қоидалари лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани ҳақида ҳам гапириб берилди. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг халқаро Интернет тармоғидаги веб-сайти тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Йиғилишда комиссиянинг ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Асрга татигулик йиллар

### 1997

«Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Нега? Чунки инсон дунёнинг энг ноёб бойлигидир. Унинг ҳаёти, қадр-қимматги, шаънидан устувор нарса йўқ. Жамиятнинг диққат-эътиборини айнан шунга қаратиш лозим эди ва шундай бўлди ҳам. Бу тадбирларни амалга ошириш учун Давлат дастури ишлаб чиқилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонун тасдиқланди. Ёшларнинг чет элда таълим олишлари ва малака оширишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғармалар ташкил этилди.

Иқтисодий юксалишлар ҳам жадал давом этди. Йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш, Янгийўл биокимё заводлари, Қўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошлоқ ип-йигирув фабрикаси қуриб битказилди.

Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда бир марта «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиш юзасидан қарор қабул қилинди.

### 1998

Ўтган йиллардаги сиёсат янги поғонага кўтарилиб, Янги йил Оила йили деб аталди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Олий Мажлиснинг XI сессиясида «Оила кодекси» қабул қилинди.

Ўзлигини англаш жараёни янги довонларга кўтарилди. Мавжуд музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш ҳамда Алпомиш достони яратилганининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарорлар эълон қилинди. Қадриятларимизни улуғлашнинг узвий давоми сифатида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225, улуғ аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тантаналари нишонланди.

23 декабрда Президентимиз томонидан «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган қанотбахш калом ўртага ташланди.

### 1999

Аждодларимиз-да юксак эҳтиром, қиёси йўқ меҳр-муҳаббат кўрсатган аёллар манфаати, муҳофазаси Давлат миқёси даражасига кўтарилди. Бу йил — Аёллар йили деб номланди. «Аёлларга эътибор — жамият ва унинг келажагига эътибор» деган гап йилнинг шиорига айланди.

Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янги босқичга кўтарила бошлади. Ислом Каримов НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан Вашингтонда ўтказилган саммитда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамики тараққийпарвар давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан, АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик қилиш, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади.

9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди.

### 2000

Аёллари эъзоз топган юртнинг фарзандлари соғлом бўлади. 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб номланишидан шундай мантиқни туйиш мумкин. Бу борада қабул қилинган Давлат дастури бўйича йил давомида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш масаласи бош мавзуга айланди. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш юзасидан ҳужжатлар қабул қилинди. Йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш, уларни мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказиш муваффақиятли бошланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида жиноий жазоларни либераллаштириш бўйича туб ислоҳотлар юз берди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилди. Судьяларнинг ихтисослашуви амалга оширилди.




## *Мустақиллик фарзандлари*

***Фахрланиш инсонга хос фазилат. Дейлик, эл-юрт эътиборига тушган фарзанд билан ота-она, яқинлари, ҳатто маҳалладошлари, ҳамшаҳарлари ҳам ғурурланадилар.***

***Яқинда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпионатида манаман деган дунёга таниқли шахмат усталарининг курагини ерга теккизганида қанчалар қувондик. Бу кун барчамиз учун байрамга айланди. Ватандошимизнинг шу ғалабаси миллионлаб кўнгилларда катта фахр, ғурур уйғотди, юртимиз, халқимиз номини дунё узра яна бир бор намоён этди.***

# Балли, қоракўллик ўқувчилар!

Бундай ютуқлар тафти ҳали пасаймасдан туриб яна бир хушхабар келди: республикамизнинг тўрт нафар мактаб ўқувчиси Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган жаҳон фан олимпиадаларида учта бронза медали ва дипломга сазовор бўлишди. Жаҳон олимпиадасида дунёнинг 85 мамлакатидан қарийб беш юз нафар ўқувчи иштирок этганлигини ҳисобга олсак, ушбу ғалабанинг салмоғи яққол кўринади.

Бу каби ёшларнинг йил сайин кўпайиб бораётганлиги мустақиллик шарофатидир.

Биз сўзимизнинг аввалини бежиз фахрдан бошламадик. Ҳамюрт ўқувчиларимизнинг бу ютуғидан бир ҳисса қувонсак, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати жамоаси икки ҳисса хурсанд бўлишди. Чунки ғалабага эришган тўрт нафар ўқувчининг ҳаммаси ана шу таълим даргоҳининг ўқувчилари. Ҳа, бу билан мактаб ўқитувчи-мураббийлари ҳар қанча фахр этсалар арзийди. Зеро, бундай ютуқларга осонликча эришилмайди. Бу узоқ йиллик машаққатли меҳнатлар самараси.

Очиғи, бу мактаб-интернат фаолиятидаги биргина ютуқ бўлганда, балки уни таъкидлаш билангина чекланардик. Сабаби, кейинги бир неча йил давомида республикамиз ўқувчилари томонидан жаҳон фан олимпиадаларида эришилган 11 та медалнинг тўққизтаси айнан шу мактаб-интернат ўқувчилари томонидан қўлга киритилгани улар ҳақида сўз юритишимизга сабаб бўлди. Буни шунчаки омад ёки тасодифга йўйиб бўлмайди. Хўш, ютуқлар сири нимада?

— Яқинда, республикамиз иқтидорли болалар ёзги мактабида фарғоналик ўқувчилар шундай савол беришди,— дейди мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаев. — Улар сизларда «зўр» ўқитувчилар кўпми ёки бизда иқтидорли болалар камми, дея сўрашди. Йўқ, Фарғонада ҳам, республикамизнинг бошқа жойларида ҳам билимга чанқоқ, илмли болалар кўп, кучли ўқитувчилар ҳам кам эмас. Биз, дарс беришнинг илмий асосланган янгича услубларига кўпроқ аҳамият бераяпмиз, холос. Энг муҳими, ҳозирда республикамизда таълим тизимидаги ислоҳотлар сабабчи бунга. Қолаверса, муассасамиз ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаби эканлигини таъкидламоқчиман. Мактабга кириш учун ўтказиладиган танлов жуда катта ва энг муҳими, ҳеч бир таниш -билишчиликсиз одилона ўтказилади. Биз энг муҳим нарса — билим ва йўналиш берамиз. Қанчалик даражада билим бераётганимизни эса битирувчиларимизнинг қанчаси олий ўқув юртларига кираётганлиги ва қолаверса республика, жаҳон фан олимпиадаларидаги ютуқлари кўрсатиб беради. Шу мактабни ўн йил елиб-югуриб мустақиллик арафасидагина очишга муваффақ бўлгандик. Истиқлол нафаси бизнинг даргоҳга ҳам кўп ўтмай ўз таъсирини кўрсатди. 1993 йилиёқ 40 нафар илк битирувчиларимизнинг 38 нафари олий ўқув юртлари талабалари бўлганини ҳамкасблар ҳануз хурсандчилик билан эслайди.

Сир эмас, қаерда яхши билим берилса, кўпчилик ўша ерга интилади. Ҳозирда Қоракўлдаги мактаб-интернатда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан келган болалар ҳам ўқияпти. Бу ҳам унинг нуфузи йилдан-йил ортиб бораётганидан далолат.

Мактабга яхши ниятлар билан тўрт гектар ер ажратилган, шунинг икки гектарида боғ барпо этилди. 360 ўринли ётоқхона ишга тушиш арафасида. Тиниб-тинчимас фидойи ўқитувчилар келажакда шу ерда замонавий академик лицей ташкил этишни режалаштирган.

Хуллас, чекка тумандаги бу таълим маскани ўқитувчилари, уларнинг ўқувчилари истиқлол арафасида бизнинг кўнглимизда ҳам ҳавас, ҳам фахр уйғотди.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД МАКТАБИ



Азиз муштарий, ушбу суратда Паркент туманида қад кўтарган 3-ўрта умумтаълим мактабининг янги, муҳташам биносини кўриб турибсиз. Энг замонавий лойиҳаларга асосланган ҳолда бунёд этилган, болаларимизнинг етук билим-тарбия олиши учун барча шароитларга эга, 420 ўқувчига мўлжалланган бу таълим кошонаси «Бойқозон» ширкат хўжалиги томонидан қуриб битказилди. Мактаб байрам кунларида фарзандларга ўз эшигини очади. Туманда яна 45-умумтаълим мактаби учун ҳам 860 ўринли янги бино қуриб берилди. Ҳар икки мактаб учун 62 миллион сўмлик, оҳори кўзни оладиган яп-янги, бири-биридан гўзал мебеллар харид қилинди...

Умуман, Мустақиллигимизнинг 13 йиллигида республикада, бинокорларимизнинг куч-ғайратлари билан ўз бағрига 303 минг 243 нафар ўқувчини оладиган 638 та мактаб хизматга шайлаб қўйилди. Уларнинг 26 таси — янгидан қурилди. 8 та мактаб мукаммал реконструкциядан чиқарилди, 430 та мактаб капитал таъмирланди, 174 та мактаб жорий таъмир этилди. Бу мактаблар янги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникалари билан жиҳозланмоқда. Бу ишлар ҳар жиҳатдан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури талаблари даражасида, замонавий, халқаро андозалардаги мактабларга айлантирилмоқда.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуини яратиш ғояси илгари сурилган. Таълим тизимининг ҳар бир бўғини бу вазифани адо этишда муҳим ўрин тутади ва алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур дастур умумтаълим мактабларини тараққиётимизнинг ана шу юксак мақсадларини уйғунлаштиришга қаратилгандир.

Хўш, мактаб ислоҳоти қандай амалга оширилади?

Дастурда бу борада бешта муҳим йўналиш белгилаб берилган. Уларнинг биринчиси — янги мактаблар қуриш, мавжуд мактаблар биноларини тубдан реконструкциялаш, капитал ёки жорий таъмирлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш каби масалаларни ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш — мактабларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни англатади. Учинчи йўналиш — мактаб таълими тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини замон талаблари асосида такомиллаштириш вазифаларидан иборат. Тўртинчи йўналиш — мактабларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш вазифаларидир. Бешинчи йўналиш — мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш масалаларини кўзда тутади.

Фарзандларимиз — юрт келажаги. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши уларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Таълим-тарбия эса мактабдан бошланади. Демак, келажагимиз ҳам мактабдаги таълим-тарбиядан, унинг сифатидан бошланади.

Давлатимиз раҳбарияти мактаблар ислоҳоти масаласига жуда катта эътибор қаратмоқда. Масалан, Мактабларни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мислсиз катта сармоя — 1 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Мактаб ривожига бундай катта ҳажмдаги маблағ йўналтириш амалда рўй бермаган. Бу — Ўзбекистон мактаблари яқин келажакда дунё ҳавас қиладиган таълим кошоналарига айланади, юртимиз фарзандлари мактаб бағрида энг юқори халқаро андозалардаги билим-малака ва тарбияга эришади, деганидир.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури — мустақил тараққиётимизнинг неъматларидан биридир. Бу дастур Ўзбекистон мустақиллигининг ўн уч йиллиги байрами арафасида дунёга келганлиги ва амалга оширила бошланганлиги алоҳида маъно касб этиб, Истиқлол туфайли биз танлаган йўлнинг порлоқ имкониятларидан далолат беради. Ўзбекистон келажагини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар ҳаётда тобора чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатади.

**М. САФАРОВ.**

## *Миллат фахри*

***Мурод Ҳамроевни бугун Ўзбекистон телевидениесидаги "Заковат" кўрсатуви орқали кўпчилик танийди. У топқирлиги, зийраклиги, дунёқарашининг кенглиги билан кўп бора "Заковат" мухлисларининг ҳайратига сазовор бўлган.***

# У Манчестер университетида дарс беради

Ҳақиқатан, Мурод миллатнинг муносиб фарзанди бўлишга интилаётган ёшлардан. У математика соҳасида илмий изланишлар олиб бораяпти. Яқинда Буюк Британиянинг Манчестер университети унинг илмий тадқиқотларда эришган муваффақиятларини юқори баҳолаб, изланишларини Англияда давом эттиришга таклиф қилди. Энди у мазкур университет докторантурасида уч йил мобайнида таҳсил олиш билан бирга талабаларга математика фанидан инглиз тилида маърузалар қилади. У бир неча хорижий тилларни пухта эгаллаган.

Шу ўринда Мурод ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. 1979 йил Тошкентда туғилган. Ота-онаси ҳам шаҳримиздаги нуфузли олий ўқув юртларида дарс беради. Собир Раҳимов туманидаги 233-мактабнинг тўққизинчи синфини битиргач, Тошкент Давлат Миллий университети қошидаги Саъди Сирожиддинов номли мактаб-интернатда ўқишни давом эттирди. Бу орада у математика соҳасидаги етакчи мутахассислар билан яқиндан танишди. Фанга бўлган қизиқиши минг чандон ортди. Математика илмига чуқурроқ кириб борди. Республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган анъанавий олимпиадада математика фанидан ғолиблар орасидан кетма-кет икки маротаба жой олди. Ўша пайтлардаёқ таниқли математик олим, профессор Мирфозил Мирзаахмедов ёш тадқиқотчининг ҳаракатларини юқори баҳолаб: "Мурод Ҳамроев — математик йигит. Буюк математик олимлар Леонард Эйлер, Эварист Галуа, Петер Риман қўйган муаммоларни ечаман деб юрибди. Истеъдод жасоратли бўлади ўзи. Жаҳоннинг манаман деган олимлари ечолмаган муаммоларни бизнинг Мурод ечмоқчи," деган эди.

Мурод ўз сўзида қатъий турди.

— Математика фани бўйича олимпиада ғолиби бўлгандан кейин пойтахтимиздаги нуфузли билим даргоҳларидан бирини танлаб, банкир ёки иқтисодчи бўлиб чиқиши мумкин эди. Бироқ у гапларимга қулоқ солмай, ЎзМУнинг Механика ва математика факультетига ўқишга кирди,— дейди унинг онаси Гули опа Абдуллаева. — "Йўқ, мен математик олим бўламан. Айнан шу факультетгина менинг олим бўлишимга катта ёрдам беради" деб туриб олди.

У факультетда ҳам ўзини кўрсатди. Университетлараро ўтказиладиган математик олимпиадада биринчи ўринни эгаллади.

Суҳбатимиз давомида Муроднинг эслашича, қизиққан соҳаси бўйича жаҳондаги ривожланган давлатлар олимлари билан яқиндан танишиш, улар эришган натижалардан баҳраманд бўлиш орзуси мактабда ўқиб юрган пайтлардаёқ пайдо бўлганди. Ўша пайтларда Президентимиз фармони билан ташкил қилинган "Умид" жамғармаси Муроднинг орзулари ушалишига катта ёрдам берди. У Буюк Британиянинг Манчестер университетида таҳсил олиш имкониятини қўлга киритди. Бакалаврлик дипломини олиб, мамлакатимизга қайтгандан сўнг яна илмий тадқиқотларига шўнғиб кетди. ЎзРФА қошидаги В.И. Романовский номидаги математика институтига стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишга кирди ва академик Шавкат Аюпов илмий раҳбарлигида илмий тадқиқотларини янада кучайтириб юборди.

2001-2003 йилларда ЎзМУнинг магистратурасида таҳсил олди. Айни пайтда у халқаро Вестминистер университетида математикадан дарс бериб келмоқда.

Ҳар қандай илмий ишда янгилик бўлиши керак. Фақат уларнинг қадри долзарблиги ва эришилган натижаларга боғлиқдир.

— Физика ва математика бир-бири билан уйғунлашиб бормоқда. Физикадаги муаммоларни математика орқали ечишга тўғри келмоқда, — дейди Мурод Ҳамроев. — Менинг илмий изланишларим айнан мана шу йўналишда.

— Сизнинг илмий тадқиқотларингиз ҳақида Манчестер университети олимлари қандай хабар топишди?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармасида маълумотлар базаси мавжуд. Чет эллик олимлар бу маълумотлар билан бемалол танишишлари мумкин. Бундан ташқари, икки йилдан буён жамғарма ёш олимлар конференциясини уюштириб келмоқда. Ёш олимларнинг илмий ишлари тезисининг икки маротаба китоб ҳолида чоп этилишини ҳам жамғарма молиялаштирди.

— Демак, сизни дунёга чиқишингизда жамғарманинг ўрни катта экан-да.

— Албатта. Биласизми, бугун олимларнинг илмий тадқиқотларини бир-биридан ажратган, айри ҳолда кўриб бўлмайди. Барча ҳаракатларимизни уйғунлаштиришимиз керак. Кўплаб халқаро конференцияларда қатнашиб келаман. Бундан ташқари, бир неча бор илмий тадқиқотларим натижалари хорижий тилларда китоб ҳолида чоп этилди. Италиянинг Триест шаҳридаги Назарий Физика Халқаро Институти томонидан чиқариладиган ахборотномада фан доктори, устозим Фаррух Муҳамедов билан ҳаммуаллифликда илмий изланишларимиз натижаларини намоён этувчи мақола чоп эттирдик. АҚШнинг илмий "Математик-физика" журналида ҳам тадқиқотларим тўғрисида мақола босилди. Шу каби чиқишларимиз Манчестер университети олимлари эътиборини тортган бўлса ажабмас.

Дарвоқе, мазкур университет ҳақида. У Манчестер шаҳрида жойлашган. Шаҳарнинг икки миллиондан ортиқ аҳолиси бўлса, шундан 150 минги талабалардир. Бундай олиб қараганда, талабалар шаҳарчасига ўхшайди. Бу ерда жаҳоннинг деярли барча давлатларидан келган ёшлар ўқишади. Бир йиллик ўқиш харажатлари ҳам бироз қиммат — 15-20 минг доллар атрофида. Ва, албатта, бунда таълим сифати ҳам шунга яраша юқори. Охирги статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда Буюк Британиянинг барча вазирлик ва идораларида ишлаётган мутахассисларнинг 60 фоизи мана шу университетнинг собиқ талабалари экан. Шундан ҳам билса бўладики, бу илм даргоҳи жаҳонда катта нуфузга эга. Ана шу университетнинг докторантурасида ўзбекнинг ёш олими Мурод Ҳамроев ўқиш билан биргаликда дарс ҳам беради.

Шу ўринда бир ўхшашликни келтириб ўтишни жоиз деб билдик. Яқинда шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов билан Мурод Ҳамроев курсдош. Бундан ташқари, Рустам билан бир йилда, бир кунда туғилган. Бугун бу икки ўзбек ўғлони миллат фахрига айланишди. Улар ўзбек деган номни дунёга танитмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *Замонавий билим маскани*

**НАВОИЙ (ЎзА мухбири Ёрқул УМАР).**

Кармана туманининг Обранон қишлоғидаги 6-мактабнинг бундан етмиш йил илгари қурилган эски биноси ўрнида 320 ўринли янги, замонавий билим маскани қад ростлади. Унда болаларнинг билим олиши учун барча шароит муҳайё этилган.

***Булоқбоши туманидаги 17-умумтаълим мактаби Япония грантини олгач, синф хоналарини таъмирлаб, ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Хусусан, мебель, зарур воситалар олиб келинди. Замонавий ўқув-қуроллари билан жиҳозланди. Шунингдек, мактабда ўқувчиларга тикувчилик ҳунарини ўргатиш учун тикув машиналари ҳам ўрнатилган бўлиб, айни пайтда улар ушбу касб сир-асрорларини ўзлаштиришмоқда.***

**СУРАТДА: ўқувчилар машғулот пайтида.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**



# МЕТАЛЛУРГЛАР МУРУВВАТИ

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ (ЎзА мухбири Неъмат ДУШАЕВ).***

**Истиқлол йилларида Олмалиқ шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги мактаб ва коллежлар, шифо масканлари, равон кўчалар қурилди. Бундай хайрли ишларда Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоасининг ҳам улкан ҳиссаси бор.**

**Олмаликдаги 80-махсус мактаб-интернатида 250 нафар ногирон бола таълим-тарбия олади. Ўтган асрда қурилган интернат биноси анчагина таъмирталаб бўлиб қолган эди.**

**Муассасанинг бу аҳволи комбинат жамоасини бефарқ қолдирмади. Уни тўлиқ қайта таъмирлаш, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозлаш учун 400 миллион сўм маблағ ажратди. Интернатда болаларнинг яшаши ва билим олиши учун барча шароит яратилди.**

**Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилган мактаб-интернатнинг очилишида сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай улкан эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.**

**Шу куни шаҳардаги яна бир таълим маскани — Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди.**

## *Асрга татигулик йиллар*

### 2001

Бу йилнинг салмоғи ҳам бошқалардан кам бўлмади. Йилларнинг номланишидаги занжирли ҳалқа давом этди. 2001 — Оналар ва болалар йили бўлди. Тинчликни улуғлаган, эзгу ва бунёдкорлик ишларини фаолиятига мезон қилиб олган ҳамда келажагини ёшларга жуда ишониб топширадиган халқнинг истиқболи ёруғ бўлишига шубҳа йўқ. Тошкентда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи иштирокидаги йиғилишда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президент ёшларни фаол фикрлашга ва фидокорона ишлашга чақирди.

2001 йил бошида Россиядаги «Вагриус» нашриётида «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китоби босмадан чиқди. Германиялик профессор Леонид Левитиннинг бу асарида Ўзбекистон ўз минтақасида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан етакчилик даражасига чиққанлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

### 2002

Қарияларни қадрлаш йилида мўътабар кексаларимизни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва таъсирини юксалтириш бўйича улкан ишлар қилинди. Биргина қўшимча имтиёзлар учун 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сирдарё вилоятларида сиҳатгоҳлар, саховат уйлари барпо этилди.

Бу йил иқтисодий барқарорлик йили ҳам бўлди. Наманган шаҳрида «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария, Шаҳрисабзда «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон-Туркия-Япония қўшма корхоналари ишга туширилди. «Навоий-Учқудуқ-Султон-Увайстоғ-Нукус» янги темирйўл йўналиши бўйича биринчи йўловчи поезди қатнай бошлади.

Бу йил республикамизда биринчи марта 10 йўналиш бўйича магистрант-талабаларга Президент Давлат стипендиати ғолиблик дипломлари топширилди.

### 2003

Мамлакатимиз раҳбарининг Янги йил табригида «2003 йил Ўзбекистон тарихида кенг миқёсдаги ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлидан изчил олға бориш йили бўлди», деган баҳоси тўла асослидир. Зеро, бу ўзгаришлар юртимиздаги катта бунёдкорлик ва ободончилик ишларида, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатларида, одамларнинг ҳаёт шароити сезиларли даражада яхшиланиб бораётганида кўринади. Шу йили республикадаги ширкат ва фермер хўжаликларида, деҳқон хўжаликлари ҳам қўшиб ҳисоблаганда 5,7 миллион тонна ғалла етиштирилди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тизимида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тезюрар поезд қатнови йўлга қўйилди. Шўртанда сиқув компрессор шохобчасида халқаро тақдимот ўтказилди.

Олий ўқув муассасалари 52 тадан 63 тага, ўрта мактаблар сони 9702 тага етди.

### 2004

«Меҳр ва мурувват йили» деб номланган бу йил ҳозирча уч йўналиш тараққиётида устуворлик сезилмоқда. Биринчидан, «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижроси муваффақиятли адо этилмоқда. Иккинчидан, мамлакатимизнинг барча вилоятларида қўшма корхоналар барпо этилишига диққат-эътибор қаратилмоқда. Бугунга қадар Зарафшондаги «Амантайтов-Голдфилдс» Ўзбекистон-Буюк Британия, «Яккабоғтекс», «Боғоттекс», «Ас-Шах», «Шарқ гули», «Лола-модел», «Сағбон-текстиль» каби ўнлаб қўшма корхоналар ишга тушди. Учинчидан эса, мамлакатимиз раҳбари мактаблар фаолиятини яхшилаш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш борасида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармойиши эълон қилинди. Бундан кейин ҳам айнан таълим-тарбия ва ўқитувчилар фаолиятига дахлдор учта ҳужжат ишлаб чиқилди. Демак, бу борадаги ислоҳотлар ҳам ҳадемай ўз ҳосилини кўрсатади.

**Э. БОЛИЕВ тайёрлади.**

Азиз ўзбекистонликлар!
Мустақиллик байрамингиз муборак, Истиқлолингиз абадий бўлсин!

DEMIR GROUP

DEMIR · DMR · yadem · tol · Grand Mir Hotel · DEMIR METAL · DEMEX FOREIGN TRADE INC · YANGI HAYOT · megamex · AY DEMIR · DEMET



# ЎЗБЕК ХАЛҚАРО БАНКИ «ЎЗПРИВАТБАНК»

Азиз ватандошларни, ҳамкасблари ва мижозларини
**Мустақиллик байрами**
билан табриклайди !




Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз !



Мухтарам юртдошлар !

САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ
# «САВДОГАР»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини, банк акциядорлари ва ҳамкорларини
ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 13 йиллик
байрами билан самимий муборакбод этади.

Ўтган ўн уч йил мобайнида Ўзбекистонда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу – узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг, халқимиз бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин самарасидир. Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз.

Мустақил Ватанимиз равнақи, тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизнинг барчасига ушбу қутлуғ ва қувончли онларда бахт-иқбол, оиласига тинчлик-тотувлик, хонадонига қут-барака тилаймиз !



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин !



## 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

# ОЙНИНГ ЁРУҒ ЎН БЕШИ

Ҳаётининг сўнгги дамига қадар ижод қилиб толмаган тиниб-тинчимас адиб Тўхтасин Жалолов асли Марғилонга ёндош Қоратепа қишлоғидаги мадрасада таҳсил олган. Бўлажак адиб ҳали гўдак экан, отаси Мулла Жалолнинг оёғи синиб, оила моддий жиҳатдан таназзулга дучор бўлган. Тўхтасиннинг онаси томонидан бобоси Муҳаммадисҳоқ билан тоғаси Муҳаммадзиё уни ўз паноҳларига олган — Шаҳрихонга олиб кетган эканлар. Ўзим Тўхтасин Жалоловни ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирларидан танийман. Энди билсам, адибнинг энг сермаҳсул илмий-адабий ҳаёти айнан 1954 йил сургундан озод этилиб, қайтиб келгач бошланган. У аламини меҳнатдан олган. «Ўзбек шоиралари», «Хамса талқинлари», «Паҳлавон Маҳмуд», «Олтин қафас», «Бону», «Яшасин Табассум» каби асарлари нашр этилиб, китобхон қўлига бориб етган. Ўша йиллари у буюк ҳинд адиби Рабиндранат Тагорнинг асарлари таржимасига киришган. Булардан ташқари Тўхтасин Жалолов Сотим Улуғзода ва Садриддин Айний асарларини ҳам таржима қилган. Муҳаррирлик даврида эса ўнлаб асарлар таҳририни қўлдан чиқарган.

Унинг таржимаи ҳолида бир нуқта борки, кўплар бундан бехабар. Узуқ-юлуқ гапларга қараганда, ёшлигининг энг гуллаган чоғида ўн йил мобайнида Магаданда сургунда бўлган. Аслида нима бўлган? Ижодга, тадқиқотга ташна покдомон бу сиймо қай йўсин авахтага тушган? Бировнинг ҳақига хиёнат қилдими, давлат мулкини ўмардими? Ўқувчи дилида пайдо бўлган бу саволларга 1941 йилда очилган 460-рақамли 4 жилдли жиноят иши саҳифаларида жамланган ҳужжатларга таянган холда жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Адиб ва адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов 1941 йилнинг 6 июли куни ҳибсга олинган. У билан бирга яна етти киши — Сулаймон Азимов, Сотти Ҳусайн, Юнус Латипов, Ғафур Расулов, Амил Одилов, Обид Ҳошимов, Соли Иминовлар авахтага ташланган. Жиноий иш саҳифаларида Тўхтасин Жалоловни қоралашга доир маълумотлар ичида қуйидагича кўрсатмалар учрайди. «1940 йилнинг 7 ноябри куни Одиловнинг хонадонида тўпланганларида Жалолов Чўлпоннинг «Юрак» шеърини ўқиганидан кейин ҳаммага қарата «Фитрат, Чўлпон, Боту ва Абдулла Қодирий ўзбек халқи бахти учун, Ўзбекистонни мустамлака зулмидан озод этиш учун курашган сиймолар эди. Улар шу кураш йўлида ҳалок бўлдилар» деган. Т.Жалолов Магадан шаҳридаги тўртинчи автобазанинг ўтин омборида мудир бўлиб ишлаган. Магадан шаҳридаги Гараж кўча, 38-уйда истиқомат қилган. Она юрт, қавм-қариндошлар ва ниҳоят ижод соғинчи ишини қайта кўриб чиқишни сўраб арз-ҳол қилишга ундайди. 1954 йил ўн учинчи октябрида СССР Давлат Хавфсизлик Комитетига йўллаган аризаси туфайли уни Москвага терговга чақирадилар. Унда Тўхтасин Жалолов бошига тушган савдолар, илк тергов жараёнида қўлланган жазолар ҳақида гапириб беради.

«Илк тергов олиб борилган чоғларда терговчи Суходолов Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги ҳамма таниш-билишларингни номини айт, деб талаб қилди. Таҳририят иши юзасидан билган танишларимнинг номини атадим. Кейин Суходолов ушбу одамларнинг советларга қарши миллатчилик фаолияти ҳақида кўрсатма беришимни талаб қила бошлади. Сулаймон Азимов, Юнус Латипов, Ғафур Расулов, Амил Одилов, Ориф Юнусов, Сотти Ҳусайн ва бошқаларни фақат яхши тарафдан билардим. Шундан кейин мени собиқ Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Амаяк Кабулов тергов қила бошлади. У терговчи Суходоловга берган кўрсатмамни сафсата деди. Сўнг мендан Ўзбекистондаги советларга қарши ташкилотнинг ўз сафига янги шахслар жалб этилаётгани ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиб, буржуа давлати тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани ҳақида кўрсатма беришимни талаб қилди. Мен бундан бош тортдим. Шундан сўнг мени дўппослашга тушди. Аввалига юзимга ва қорнимга мушт туширди, кейин ўтирган табуреткам билан бирга ерга қулатиб, тепкилай кетди. Ундан кейинги терговлар ҳам айнан шундай калтаклашлар ва қийноқлар билан ўтди. Менга нисбатан ўтказилган маънавий ва жисмоний азобнинг кети узилмади. Калтаклай-калтаклай чарчагач, у менга ўзи русча айтиб турган гапларни ўзбек тилида ёзиб беришимни талаб қила бошлади. Унинг сўзига кўра, мен ҳамроҳларим билан ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистонда барпо этилажак буржуа ҳокимиятида ким қайси мансабни эгаллаши ҳақида маслаҳатлашган бўлмоғимиз керак эди. Кабулов мени маориф вазири деб, Қори Ниёзовни Президент, Азимовни эса бош вазир бўлмоқчилигимизни ёзишни талаб қилди. «Кўрсатмани» рус тилига таржима қилганимдан сўнг менга имзо чектиришди. Мен бунга мажбур эдим. Кўрсатмаларимга доир кейинги ёзилган қарор мени тергов учун кабинетга олиб киришдан аввал ҳозирлаб қўйилган бўларди. Аввалига мени калтаклашар, сўнгра виждонли одамлар устидан терговчиларнинг ёзиб тахт қилиб қўйилган бўҳтонларига имзо чекишга мажбур қилишарди.

Москвадаги терговда Т. Жалоловга шундай савол берадилар

**Савол:** Тергов материалларидан кўринадики, Москвадан юртингизга борган терговчи Шварцман сизни сўроқ қилган. Сиз унга ҳақ гапни гапираётганингизни, ҳеч кимга туҳмат қилмаганингизни айтгансиз. Демак, сизнинг бу кўрсатмангиз ҳам ёлғон экан-да?

**Жавоб:** Сўроқ учун Шварцман ҳузурига кирмасимдан аввал терговчи Суходолов менга аввалги терговда гапирганларимни тасдиқлашимни тайинлади. «Шварцман ҳозирча шу ерда, кечқурун Москвага учиб кетади» — деди. Бу билан у, агар олдинги кўрсатмамдан қайтсам ҳолим не кечишига шаъма қилган эди. Шварцман мен билан Халқ комиссари кабинетида Кабулов, Суходолов ва халқ комиссарлигининг бошқа ходимлари ҳузурида гаплашди. Кабулов билан Суходоловнинг қанчалар зулмкорлигини ўз бошимдан кечирганлигим учун ҳам Шварцманга ҳақиқатдан сўз очолмадим. У билан юзма-юз, ёлғиз сўзлашишга имкон беришмади.

Хуллас, қанчадан-қанча ол кетди, ол қолдилардан сўнг Тўхтасин Жалолов ҳам, у билан бир иш юзасидан жавобгарликка тортилган Ўзбекистон фуқаролари ҳам бегуноҳ топилиб, озод этилдилар. Шу жумладан, Тўхтасин Жалоловга нисбатан Ўзбекистон Жиноят кодексининг 58-модда 1-қисм ҳамда 66- ва 67-моддалари билан айблов иши тўхтатилиб, сургундан озод этиш ҳақида қарор чиқарилди. Маълум бўлишича, 1937 йилнинг иккинчи июнь куни И. Сталин имзоси билан Бутуниттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси марказий комитетининг 51 рақамли қарори қабул қилинган. Унда1937 йил 5 августидан бошлаб қатағон машинаси ишга туширилиши ва олтмиш олти адрес — республика, вилоят, ўлкаларда давом этиши белгиланган эди.

Бу қарор асосида қанчадан-қанча юртдошларимиз қамоқларга ташландилар, яна қанчадан-қанчаси отиб юборилди. Бу йиллардаги қатағонни совет диёрида олиб борилган жазонинг учинчи тўлқини дейиш мумкин эди. Унинг тўртинчи тўлқини 1950-1951 йилларда бошланиб, қатор адиблар, шоирлар ва таржимонлар: ака-ука Наби ва Абдураҳмон Алимуҳамедовлар, шоир Шукрулло Юсупов, олим Ҳамид Сулаймонов, ёзувчи Мирзакалон Исмоилий, шоир Шуҳрат (Ғулом Алимов), журналистлар Маҳмуд Муродов ва Мели Жўралар озодликдан маҳрум этилганлар. Юқорида зикр этилган қарорга асосан СССР деб аталмиш бепоён мамлакатда қатағон машинаси бетиним ишлаган. Ёзувчи ва мунаққид Тўхтасин Жалолов ва у билан қисматдош бўлган юртдошларимиз айни шу қарор асосида жазога тортилган эдилар.

Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаёт давом этади. Бу воқеалар бўлиб ўтган пайтдан бери ўтган ярим асрдан ортиқ вақт ичида бу битикларда номи зикр этилган зотлар дунёдан ўтиб бўлишган. Ҳар қандай инсондан унинг қилган иши қолади. Шу мезондан чиқиб фикрлайдиган бўлсак, адиб Тўхтасин Жалоловдан ҳаётида намоён бўлган ойнинг ёруғ ўн бешида яратган асарлари, тадқиқотлари, чоп эттирган таржималари қолган. Унинг бу тадқиқотлари, асарлари келажак авлодга хизмат қилажак.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## *Шифохоналарга «Дамас» совға қилинди*

**Истиқлол байрами арафасида Сурхондарё вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш тизимига ўз бюджети ҳисобидан 60 миллион сўм ажратди. Мазкур маблағга 8 та «Дамас» харид қилиниб, туман ва шаҳарлар марказий шифохоналарига тарқатилди.**

**Вилоят ҳокимлиги томонидан туманларда қурилаётган қишлоқ врачлик пунктлари учун тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар олиш учун 74 миллион сўм маблағ ажратилди. Айни пайтда шу маблағга тегишли жиҳозлар сотиб олинди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги иншоотларни жорий таъмирдан чиқариш учун 325 миллион сўм ажратилган.**

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,**
**«Туркистон-пресс».**

## *«Табаррук замин саховати»*



**Бухорода ҳар йили ана шу шиор остида қовун сайлини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам Истиқлол байрами арафасида вилоят марказидаги Самонийлар боғи деҳқонлару харидорлар билан гавжум бўлди. Шу куни 300 тоннадан ортиқ 70 навдаги қовун-тарвузлар шаҳарликларга тортиқ қилинди. Сайилда тилими тилни ёрадиган қовунлари билан иштирок этган Жондор туманидаги «Жўра Амин» фермер хўжалиги полизчилари ғолиб, деб топилди.**

**Ҳ. АРАБОВ.**




**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

**ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

*қурилишни тўламигача қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан танлов савдоларини ўтказилишини эълон қилади.*



**Буюртмачи — «Самарқанд автойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти.**
**Манзили: Самарқанд шаҳри, Набиев кўчаси, 3-уй. Телефон: 34-26-08.**
**Қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

| № | Иншоотлар номи | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| 1. | М-39 «Олмаота-Тошкент-Самарқанд-Термиз» махсус магистраль автомобиль йўлининг 1039-1042,6 км., 1054-1055 км., 1057-1061 км.ни капитал таъмирлаш | 24 ой |
| 2. | Нуробод туманидаги А-378 «Самарқанд-Қарши» автомобиль йўлини капитал таъмирлаш (20-21,8 км.) | 24 ой |
| 3. | Каттақўрғон туманидаги ЧН-1627 «Жарбоши-Қўшховуз-Ёнбош» автомобиль йўлининг 1-км.да Янтоқлисой орқали ўтказилган кўприкни капитал таъмирлаш | 12 ой |

| № лот | Иншоотлар номи | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| | **ЛОТ 1-9** | |
| 1. | Самарқанд шаҳрининг Гагарин кўчасидаги автомобиль йўлини (3-6 км.) капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 2. | Самарқанд шаҳрининг Фарҳод кўчасидаги автомобиль йўлини капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 3. | Самарқанд шаҳридаги Саратепо маскани-«Ботаника боғи» автомобиль йўлини капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 4. | Самарқанд шаҳрининг Ал-Мотрудий кўчасидаги автомобиль йўлини капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 5. | Самарқанд шаҳрининг Панжикент кўчасидаги автомобиль йўлини (0-2 км.) капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 6. | Самарқанд шаҳрининг Сузангарон кўчасидаги автомобиль йўлини (0-2 км.) капитал таъмирлаш | 9 ой |
| 7. | Самарқанд шаҳри Спитамен-Шоҳ кўчаси (0,9-1,3 км.), «Темир йўл кесишмаси-Яқин лагерь» автомобиль йўлларини капитал таъмирлаш | 2 ой |
| 8. | Самарқанд шаҳрининг Ибн Сино-Рудакий кўчаларидаги автомобиль йўлини ва Сиёб каналидаги кўприкни капитал таъмирлаш | 1 йил |
| 9. | Самарқанд шаҳрининг Термиз кўчасидаги автомобиль йўлини (01 км.) капитал таъмирлаш | 9 ой |
| | **ЛОТ 2-2** | |
| 1. | Пастдарғом туманидаги ЧР-53 «Нуробод-Норбулоқ-Иштихон» автомобиль йўлининг 39 км.даги кўприкни қайта таъмирлаш | 14 ой |
| 2. | Самарқанд шаҳридаги айланма автомобиль йўлини (43-46 км.) капитал таъмирлаш | 14 ой |
| | **ЛОТ 3-2** | |
| 1. | Самарқанд-Бухоро-Туркманистон М-37 автомобиль йўлининг 6-8 км., 9-10 км., 18-19 км., 25-26 км., 44-46 км.ларини капитал таъмирлаш | 14 ой |
| 2. | Самарқанд-Бухоро-Туркманистон М-37 автомобиль йўлининг 104-106 км., 70-73 км., 78 км.ларини капитал таъмирлаш | 14 ой |

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда, яъни автомобиль йўллар ва кўприкларни капитал таъмирлаш бўйича ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, кўприклар қурилиши учун лицензияга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус 2-«Г», 208-хона. Телефонлар: 31-13-51, 33-32-00.**

*Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 40000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 18.00да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.*

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мирaлимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23456